

ЎЗГАРИШЛАРНИ ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ ТАҲЛИЛИ

Қадамова М.А., Рузметов У.А. Авезов А.У., Айтимова Г.Ю.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Ходжкин лимфомаси нисбатан кам учрайдиган ўсма бўлиб, барча лимфомаларнинг 30 % ини ташкил қилади. Муаллифларнинг таъкидлашича, сўнгги ўн йилликлар давомида Ходжкин лимфомаси билан касалланиш даражаси, турли ёш популяцияларида ва Осиё мамлакатлари аёллар орасида учраш даражаси ортиб бормокда.

Илмий ишнинг мақсади Хоразм вилояти ҳудудида яшовчи Ходжкин лимфомаси билан касалланган беморлар орасида лимфомаларнинг патоморфологик характеристикасини, цитологик ва патогистологик шакллари, беморларда ўтказилган иммуногистокимёвий текширув натижаларини ва уларнинг ташхис қўйишдаги аҳамиятини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот материаллари Республика онкология ва радиология ихтисослаштирилган илмий –амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалида 2019-2023 йиллар давомида Ходжкин лимфомаси ташхиси билан даволанишда бўлган 100 нафар бемордан олинган материаллардан тайёрланган шамли блоклардан қайта кесма олиниб иммуногистокимёвий текширишдан ўтказиш учун қайта ишлов берилиб, буюм ойначасига кесмалар олиниб, иммуногистокимёвий текширув усули орқали Bond Leica(Австралия) иммуногистопроцессоридан фойдаланган ҳолда CD15, CD30 CD20, Ki67 ва PAX5 антигени орқали қон томирлар зичлиги ўрганилди.

Патоморфологик жиҳатдан хавфли ўсмаларни иммуногистокимёвий усулда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Морфологик текширув натижалари қўшимча равишда, ҳозирги вақтда бутун дунёда олтин стандарт сифатида тан олинган. РИОваРИАТМ Хоразм вилояти филиалида Ходжкин лимфомаси билан касалланган 100 нафар беморларни мумли блоклардан

кайта кесма олиниб, гистологик текширувлар учун кайта ишлов берилиб буюм ойначасига кесмалар олиниб текширилди ва гематоксилин-эозин бўёғи билан бўялиб ўрганилди.

Ходжкин лимфомасининг лимфогистоцитар тури кўплаб лимфоид тўкимаси асосан майда ва эпителиоид лимфогистиоцитлардан ташкил топган. Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайраларидан ташкил топган.

Нодуляр склероз турида лимфа тугунларининг диффуз ёки фокал шаклланиши билан ва лимфа тугун капсуласининг қалинлашиши, билан тавсифланади. Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайраларидан ташкил топган. Маргинал зонада нодуляр склероз ўчоқлари аниқланади.

Лимфоцитлар камайиши билан борадиган тури - номидан кўриниб турибдики лимфоцитлар сонининг камайиши ва кўпинча некроз ўчоқлари шунингдек, Березовский-Штернберг кўп ядроли улкан хужайралари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайраларидан ташкил топган бўлиб Ходжкин лимфомасининг ушбу тури кўпроқ диафрагма остидаги лимфа тугунларни ва суяк илигини зарарлайди.

Ходжкин лимфомасининг аралаш тури лимфоид тўкимасининг тўлиқ ёки қисман Березовский-Штеринберг кўп ядроли улкан хужайралари, плазмоцитлар, лимфоцитлар, гистоцитлар, нейтрофиллар, эозофиллар шунингдек фибробластлардан ташкил топган диффуз хужайра инфильтратлари ва Ходжкиннинг бир ядроли хужайраларидан ташкил топган бўлиб жуда кам учрайдиган туридан биридир.

Олинган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики Ходжкин лимфома-сининг лимфоид хужайралари устунлиги бўлганида 36,2% ҳолатда CD3, CD15, CD20 ва CD30, тугунли турида 28,4% ҳолатда, + CD45 занжири, бошқаларида 21,8% ҳолатларда CD57 розеткалари CD23 сезгирлиги аниқланди.

1. Аббасбейли Ф. М. и др. Клинические возможности проточной цитометрии при лимфоме Ходжкина //Онкогематология. – 2023. – Т. 18. – №. 3. – С. 70-77.
2. Алмурадова Д. М. и др. Значение разделения прогностических групп при диагностике и лечении лимфомы Ходжкина. – 2022.//Международный науч-но-образовательный электронный журнал «Образование и наука В XXI ВЕКЕ» с.716.
3. Атабаева А. К., Хисметова З. А., Нурахметова Ж. Б. Эпидемиология новообразований системы крови. Обзор литературы //Наука и здравоохранение. – 2021. – №. 6. – С. 188-197.
4. Ашурова Д. Т., Липартия М. Г., Алимов Т. Р. Критерии дифференциальной диагностики и иммуноцитоморфологические параметры при различных вариантах неходжкинских лимфом (НХЛ) у детей //Клиническая и экспериментальная онкология. – 2020. – №. 1. – С. 46-53.
5. Бақытқызы Д. А. и др. Особенности течения лимфомы Ходжкина у детей разных возрастов //Colloquium-journal. – Голопристанський міськрайонний центр зайнятості, 2020. – №. 10 (62). – С. 87-89
6. Барам Д. В., Криволапов Ю. А. Причины лимфаденопатий у пациентов с вич-инфекцией по результатам биопсий лимфатических узлов //Вестник гематологии. – 2022. – Т. 18. – №. 2. – С. 38-39.
7. Гильмуллина А. З., Переточкина П. А. Клинико-морфологические и молекулярно-генетические особенности лимфомы ходжкина в республике Татарстан за период 2018–2021 гг //Вестник медицинского института «Реавиз»: реабилитация, врач и здоровье. – 2023. – Т. 13. – №. 2S. – С. 108-108.
8. Гильмуллина А. З., Переточкина П. А. Морфология, патология, клинико-лабораторная диагностика //Вестник. – 2023. – С. 107.
9. Гильмуллина А. З., Переточкина П. А. Морфология, патология, клинико-лабораторная диагностика //Вестник. – 2023. – С. 107.

10. Гусак А. А. и др. Классическая лимфома Ходжкина: структура опухоли и прогностическое значение иммунного микроокружения //Клиническая онко-гематология. Фундаментальные исследования и клиническая практика. – 2023. – Т. 16. – №. 3. – С. 242-262.
11. Кацуба К. Е. и др. Диагностический потенциал CD30 (+)-нановезикул плазм-мы при лимфоме Ходжкина //Онкогематология. – 2023. – Т. 18. – №. 4. – С. 145-155
12. Ameli F, Zahavi Z, Kosari F, Soleimani V. The utility of PAX8 in comparison with PAX5 immunohistochemical staining in the diagnosis of Hodgkin lymphoma. //Ann Diagn Pathol. 2022
13. Amraee A, Evazi MR, Shakeri M, et al. Efficacy of nivolumab as checkpoint inhibitor drug on survival rate of patients with relapsed/refractory classical Hodgkin lymphoma: a meta-analysis of prospective clinical study. //Clin Transl Oncol. 2019;21(8):1093–1103